

Инсон буюк таклидчи. Бунинг учун уни айблаб бўлмайди. У яратилишидан шундок. Ибтиода табиатдаги нарса-ю ходисаларга, хар-хил товушларга таклид кила-кила узун эволюция йўлини босиб ўтди. "Маймун меҳнат воситаси-да инсонга айланди" деган гапни асл маънода эмас, балки кучма маънода кабул килсак, сихни хам, кабони хам кўйдирмаган бўламиз. Чунки шундай килингандан одамнинг маймундан таркамаганлигини айтиш билан бирга инсоннинг хозирги холига келишида меҳнатнинг буюк ролини эътироф этамиз. Дарҳакикат, меҳнат кишиларни кўплашиб, жамоа бўлиб яшашга, жамоалар эса ижтимоийлашувга олиб келди. Инсонни эрамизгача "сиёсий хайвон", XX асрда эса "ижтимоий мавжудод" деб атадилар ва бунда ана шу мулоҳазалардан келиб чикилди. Бугун биз одамзоднинг биосоциал хилкатлигидан ташкари унинг яна руҳий илдизига хам шубха килмаймиз. Бирор фикр айтишга чогланар эканмиз, илдизларнинг барчасига асосланишни афзал кўрамиз.

Хўш, буларнинг хозирги адабий жараёнга нима дахли бор? Бугунги сиёсий ижтимоий ўзгаришлар даврида тарих сахнасига инсон кўпроқ биосоциал мавжудод ўларок чиқди ва хар кадамда замонага тақдид килмокка тутинди. Замон эса тарих такозосига кўра Эврилишлар палласидир. У жон-жаҳди билан моддият этагидан тутган кўлларини кўйиб юбормасликка тиришмокда. Бунинг учун замон хамма нарсага тайёр: хар кандай нарсани сотади ва сотиб олади. Инсонни таклидчи, дедик. У бир пасда замоннинг ана шу бош хусусиятини аслидек килиб ўзлаштириб олди. Ва "хамма нарсаси сотиладиган ва сотиб олинадиган дунё" нинг бир бўлаги бўлиб кун кечиришга ўрганди. Буни ўзининг бош аъмолига айлантириди. Шундай килганда бутуннинг кисми сифатида яшаш кулагилгини билди. Акс холда парчаланиб кетишдан кўркади. Назаримда бугунга келиб инсон хатто Ўз "мен"ини хам бир товар макомига тушиб колганига кўникиб улгурди. Натижада у ўз "мен"ига кўпда суянмай кўйди. Ахир, у - товар хар лахзада сотилиб кетиши ва бирорга хизмат килиши мумкин. Чинакам адабиёт эса "мен"нинг, сотилмайдиган ва сотиб олиш мумкин бўлмаган "мен"нинг, рухнинг кичкириги,nidosidir! "Мен"нинг ўзини писанд килмай кўйган инсон унинг юрак хайкиригига эътибор берармиди? Айникса, "хайкирик"ни - асарни сотиш муаммо бўлиб турган бўлса. Харидоргир товар ишлаб чи-карса бошка ran эди, моли оркали ўзи хам хурмат топарди... Хуллас, инсон бозори касод бўлган хамма нарсадан, жумладан, адабиётдан хам кўлини ювиб кўлтигига урди. Чунки у ерда сотиш ва сотиб олиниш даражаси шунчалик пасайиб кетдики, бу нарса Замона Зайлига хам, Инсон Майлига хам мувофик келмай колди. Узокка бормайлик, кечаги ва бугунги ёзувчиларнинг мавкеини солиштириб кўринг. Кеча (Совет Иттифок даврида) мафкуруни омма онгига сингдириш учун адабиётдек зўр курол зарур эди ва давлат хар бир "Кизил" руҳдаги асарни рагбатлантириб бораради. Ёзувчи хам илхомланиб ёзаверарди. Чунки у "асарларим оркали ўз "мен"им кадр топаяпти", деб ишо-нарди. Онги ва рухини кишанлашга уринишаётганларини бирда билса, бирда пайкамасди хам. Бутун мафкуравий асар ёз, деган катта ташвикот хам, битта романга бир машина пулини тўлашлар хам йўқ. Бинобарин, ёзувчи эркин, у ёзса хам, ёзмаса хам бўлаверади...

Ва яна куйидагиларни кўшимча килса бўлади. XX аср сўнггида инсон хаётга шу даражада "реал" ёндоша бошладики, санъатнинг кўпгина турлари ва айникса, адабиёт

унинг учун кераксиз матохга айланди-колди. Чунки китоб ўкиш, хатто уни ёзиш кишининг жамиятда тутган мавкеига деярли таъсир этмай кўйди. Хамма нарсани пулга чакишга ва борликни шахсий манфаатдорлик нуктаи на-заридан баҳолашга ўрганаётган замондош ижодкор кўпинча бундай "фойдасиз" юмушдан ўйлаб хам ўтирай воз кечди. Чунки кўнгил билан хисоблашмай кўйган мухитда адабиёт билан шугулланиш огири эканини у тездагина тушуниб етди. Энди замондош хаёлпараст бўлиб кийналишни хоҳламайди. Хатто китоб ўкиб, китоб ёзаётган санокди одамлар устидан аччик-аччик кула бошлади замондошлар.

Кунимизнинг, тахминан ана шундай кайфияти хозир-ги адабий жараёнга у ёки бу даражадаги таъсирини ўтказиб турибди. Ки, аввало, кўпчилик ижодкор юрак ютиб, юкоридаги негатив рухни енгиб бир нима ёзишга журъат этолмаётирлар.

Журъаткорларнинг бир кисми детектив жанрида ёзаятиларки, маҳсулотни сотиш мумкин бўлсин. Ха, бугун ёзувчи "сотиладиган", сотиб олиш мумкин бўлган адабиёт устида бош котиришга киришди. Чунки у ўз кўнглини "товарга айлантирмас" экан, мувафаккият козонолмаслигига амин бўлди. Шунинг учун хам бугун шоир бору эсада коладиган, ёдлаб айтиб юрадиган шеърлар оз, шунинг учун хам бугун ёзувчи бору, акалли икки марта ўқиса арзидиган романлар кам. Гўё ижодкорлар ўзларининг шоир, ёзувчи, драматург... каби номларини оклаш ва очколмаслик учунгина когоз коралаётгандек. Ахир, чинакам бадиий асар бу тахлит яралмайди: У шон-шавкат келтириш ё келтирмаслик, мол дунё орттириш ё орттирмаслик, мукофот олиш ё олмасликдан катъи назар ойи куни етиб тугилган чакалоқдек дунёга келади. Ха, у ясалмайди, балки тугилади. Окми, корами, ўғилми, кизми, бундан катъи назар, дунёга келади. Агар киз бўлса, ўгил бола шаклида, агар хунук бўлса, чиройли килиб кўрсатишга уриниш асар моҳиятини бузиш билан тенг! Уни кўнгилда кандай пайдо бўлган бўлса, шундайлигича кабул килиб олиш зарур. Ўгил бўлса ўгиллигича, киз бўлса кизлигича оро бериб, ўкувчига тақдим этиш шарт. Акс холда юракларни титратгувчи, аклларни кўзгатгувчи асар бўлмай колади. Демак, бадиий асарнинг биринчи асосий шарти - ростлик, самимийлик! Колган хамма "шартлар" шу биринчисига иллюстрация бўлишга ярайди, холос.

Айтилганлардан хулоса шуки, бугунги адабиётни ва уни яратгувчилар хадеб замонга, унинг шовкин-суронли, даб-дабаю асьасали расм-русумларига кўр-кўронга таклид килавермай, аввало, ўз кўнглига рост нигоҳларини тиксалар, сўнг кўрган-сўрганларини бўямай-бежамай ок когозга туширсалар! Ўзларини хам ўкувчиларини хам ёлгон ўйдирмаслар, чала хикмату саёз кечинмалар билан, ясама асарлар билан алдамасинлар! Бизнинг аввало, бир ўкувчи, колаверса, ўз саънатимизучун куйиниб юргувчи бир адабиётшунос фисатидаги тилагимиз шу! Чунки биз хам ўзбек заминида, ўзбек маданиятида катта саънатнинг - Улкан Адабиётнинг дунёга келишини истаймиз. Бу истак эса кўриб чикканимиздек, Ширин Ёлгондан воз кечиб, Аччик Хакикатга юз буришимиз, рост туйгуларни, рост кайфиятни ёзишимизни такоза килмоқда экан!

Улугбек Хамдам